



**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ БЕШАРИҚ
ТУМАН КЕНГАШИ
ҚАРОРИ**

Бешариқ ш. Олтин водий кўчаси, 160 тел.: 61-22-008 факс : 61-22-008

2021 йил 9 июнь

№ VI-XXXVIII/197

Бешариқ шаҳри

**Халқ депутатлари Бешариқ тумани Кенгашининг эскирган ва ўз аҳамиятини
йўқотган қарорларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сон “Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқилиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 24-моддаларига асосан халқ депутатлари Бешариқ тумани Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сон Фармони билан 2021 йил 1 июнга қадар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини бекор қилиш чораларини кўриш белгиланганлиги инобатга олинсин.

2. Халқ депутатлари Бешариқ тумани Кенгашининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив тусдаги қарорлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Бешариқ тумани ҳокимлиги “Бешариқ тонги” газетаси (С.Темиров) мазкур қарорни расмий эълон қилинишини ва ҳокимликнинг веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор расман эълон қилингандан кейин кучга киради.

5. Қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Бешариқ тумани Кенгаши котибиятига (М.Сулаймонова) зиммасига юклатилсин.

**Кенгаш раиси
туман ҳокими**

Р.Жўраев

Халқ депутатлари
Бешарик тумани Кенгашининг
2021 йил 9 июньдаги 197-сон қарорига
илова

**Халқ депутатлари Бешарик тумани Кенгашининг ўз кучини йўқотган
деб эътироф этилаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Халқ депутатлари Бешарик тумани Кенгашининг 2016 йил 27 декабрдаги № XXXIII/91-сон “Бешарик тумани маҳаллий бюджетининг 2017 йилги асосий кўрсаткичлари тўғрисида”ги қарори.
2. Халқ депутатлари Бешарик тумани Кенгашининг 2017 йил 31 декабрдаги № XXXXVI/142-сон “Бешарик тумани маҳаллий бюджетининг 2018 йилги асосий кўрсаткичлари тўғрисида”ги қарори.
3. Халқ депутатлари Бешарик тумани Кенгашининг 2018 йил 28 декабрдаги № LXXI/240-сон “Бешарик тумани маҳаллий бюджетининг 2019 йилги асосий кўрсаткичлари тўғрисида”ги қарори.
4. Халқ депутатлари Бешарик тумани Кенгашининг 2019 йил 17 декабрдаги № LXXXVI/307-сон “Бешарик тумани маҳаллий бюджетининг 2020 йилги асосий кўрсаткичлари тўғрисида”ги қарори.

2021-06-09 18:09:25